

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАБОЕВ АХАДЖОН ДЖУМАҚЎЗИЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА БОҒЛОВЧИЛАР СЕМАНТИКАСИ,  
ЎЗАРО ТАРЖИМАСИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик,  
чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 811.512.133'25  
811.111'25

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in  
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Атабоев Ахаджон Джумақўзиёвич**

Ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар семантикаси, ўзаро таржимаси ва  
лексикографик талқини ..... 3

**Ataboyev Ahadjon Djumakuziyevich**

Semantics of the conjunctions in Uzbek and English, their mutual translation  
and lexicographic interpretation ..... 25

**Атабоев Ахаджон Джумақўзиёвич**

Семантика союзлов, взаимный перевод и лексикографическая  
интерпретация на узбекском и английском языках ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ ..... 50

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАБОЕВ АХАДЖОН ДЖУМАҚЎЗИЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА БОҒЛОВЧИЛАР СЕМАНТИКАСИ,  
ЎЗАРО ТАРЖИМАСИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик,  
чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil1363 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг [www.adu.uz](http://www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рустамов Дилшодбек Абдувахидович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Хошимова Дилдора Мадаминовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Тошпўлатов Азамат Меҳмоналиевич**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Х. Шахабитдинова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, ф.ф.д., профессор

**Ф.Ф. Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

**М.И. Умарходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида сўз туркумларини тиллараро умумлаштирувчи ва ажратувчи белгилари асосида текшириш, уларнинг тадқиқига семантик нуқтаи назардан ёндашиш ҳамда бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштиришга амалий эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда. Ўрганилаётган ҳодисаларга тизимли ва мажмуавий ёндашиш асосида тил бирликларини қиёсий тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларнинг семантикаси, ўзаро таржимаси, прагматик хусусиятлари ҳамда лексикографик хусусиятини аниқлаш борасидаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш бугунги кунда тилшунослик олдидаги зарурат ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида боғловчи туркуми борасида, хусусан, ўзбек ва инглиз тилида боғловчилар семантикаси, ўзаро таржимаси, прагматик хусусиятлари ҳамда лексикографик талқини йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб аҳамият касб этади. Структур жиҳатдан бири-биридан кескин фарқ қилувчи инглиз ва ўзбек тилларида боғловчиларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари, ўзаро таржимасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда лексикографик талқини бўйича таклифлар ишлаб чиқишга эҳтиёж мавжуд.

Мамлакатимизда мустақиллик даврида хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди, хорижий тил лингводидактикаси, таржима назарияси ва амалиёти бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилди. Чет тилларини ўрганишга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланди. Шу билан бирга, "...давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш; давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш"<sup>1</sup> бугунги кунда тилшунослик олдида турган долзарб вазифадир. Ҳозирда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларига ўқитиш сифатини таъминлаш, чет тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, чет тилларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини ривожлантириш асосида малака сертификатига эга бўлган ўқувчи, талаба ва педагогларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боисдан ҳозирги инглиз ва ўзбек тилида боғловчиларнинг умумий ҳамда фарқли жиҳатларини таҳлил қилиш, ўзаро таржимасидаги муаммолар ва прагматик хусусиятларини аниқлаш ҳамда лексикографик талқини бўйича таклифлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 202 октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6084-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>

адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ёрдамчи сўзларнинг лексик-грамматик ва функционал-семантик хусусиятларини аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Г.Крейдлиннинг рус, А.Гереевнинг қўмиқ ва инглиз, Ф.Оздоевнинг нах, Т.Николаевнинг славян, З.Мусаевнинг даргин, Х.Султонбоевнинг бошқирд, Н.Манафовнинг озарбайжон, Ф.Кенжебаевнинг қозоқ ва Ф.Зейналовнинг бир қанча туркий тилларидаги ёрдамчи сўзларга оид тадқиқотлари эътирофга лойиқ<sup>2</sup>.

Ўзбек тилшунослигида ёрдамчи сўзлар бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилган; уларнинг натижалари тилимиз қурилиши бўйича

---

<sup>2</sup> Крейдлин Г. Служебные слова в русском языке: (семантические и синтаксические аспекты их изучения): Дис. канд. филол. наук. – М.: МГУ, 1979. – 301 с.; Гереева А. Служебные слова в кумыкском и английском языках: послелого и союзы: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Махачкала: ДагГПУ, 2004. – 22 с.; Оздоева Ф. Служебные части речи в нахских языках (синхронно–диахронный анализ): Дис. д-ра. филол. наук. – Грозный: ГДУ, 1982. – 376 с.; Николаева Т.М. Функции частиц в высказывании (на материале славянских языков). – М.: Наука, 1985. – 168 с.; Мусаева З. Служебные части речи в даргинском и английском языках: Автореф. дис. канд. филол. наук: – Махачкала: ДагГПУ, 2010. – 22 с.; Султанбаева Х. Служебные слова в системе частей речи башкирского языка: Автореф. дис. д-ра. филол. наук. – Уфа: БашГУ, 2008. – 54 с.; Зейналов Ф. Служебные части речи в современных тюркских языках: Автореф. дис. д-ра. филол. наук – Баку: БГУ, 1966. – 82 с.; Манафов Н. Служебные части речи в диалектах и говорах азербайджанского языка: Автореф. дис. канд. филол. наук: – Баку: БГУ, 1995. – 28 с.; Кенжебаева Ф. Послелого и частицы в современном казахском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Алма-Ата: ИЯ, 1964. – 28 с.; Волгина О. Служебные слова в нижегородских говорах: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Арзамас, ВятГГУ, 2008. – 20 с.

умумлаштирувчи тавсифларда, назарий грамматика ва луғатларда, таълим тизимининг турли бўғинларига мўлжаллаб тузилган ўқув адабиётларида ўз аксини топган. Бу тавсифлар, асосан, XX асрда кенг оммалашган анъанавий тилшунослик методлари асосида амалга оширилган. Хусусан, А.Кононов, Ш.Шоабдурахмонов, Ҳ.Бердиёров, Ж.Мухторов, Р.Расулов, Т.Рустамов, О.Бозоров, Д.Ўринбоева<sup>3</sup> каби тилшуносларнинг ишларида мазкур масала атрофлича тадқиқ этилган. Мустақиллик йилларида ёрдамчи сўзларнинг функционал-семантик ва прагматик таҳлили бўйича бир қатор диссертацион тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, У.Раҳимов, Т.Турдибоев, З.Исақов, З.Бурханов каби тилшуносларнинг тадқиқотларида ёрдамчи сўзларнинг муайян жиҳатлари ёритилган<sup>4</sup>. Ўзбек тилшунослигида эргаштирувчи боғловчи воситаларнинг структур-семантик тадқиқи<sup>5</sup>, ўзбек ва инглиз тилларида предлог ва кўмакчиларнинг номинатив-синтагматик ва типологик структуравий мақоми<sup>6</sup> ҳақидаги тадқиқотлар ҳам эътиборга молик. Аммо ўзбек-инглиз тилидаги боғловчиларни қиёсий таҳлил қилиш, ўзаро таржимадаги муаммоларни аниқлаш монографик планда бирор тадқиқот объекти бўлмаган.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида юқорида санаб ўтилган тилшуносларнинг тадқиқотлари чуқур ўрганилди, муносабат билдирилди ва улардан тадқиқотда фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Андижон давлат университетида бажарилиши 2017-2020 йилларга мулжалланган “ОТ-Ф1-18. Оммавий лисоний маданиятни шаклантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” давлат илмий-техника дастурининг устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар семантикаси, ўзаро таржимаси, прагматик хусусиятларини очиқ бериш ҳамда лексикографик талқинини ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>3</sup> Бердиёров Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнгкўмакчилар: Филол.фан.номз. дисс. – Самарқанд, 1949. – 134 б.; Кононов А. Послелогои в современном узбекском литературном языке. – Ташкент, 1951. – 48 с.; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. -Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953 – 24 б.; Мухтаров Дж. Союзы в современном узбекском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Самарқанд, 1953. -14 с.; Матғозиев А. Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараккиёт тарихи: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1966. –259 б.; Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. – Тошкент: Фан, 1965. – 131 б.; Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1983. – 112 б.; Базаров О. Частицы в узбекском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М.: ИЯ, 1983. – 22 с.; Рустамов Т. Соф кўмакчилар. – Тошкент: Фан, 1991. –124 б.; Ўринбоева Д. Ўзбек сўзлашув нуткида ўзгармайдиган сўзлар (ёрдамчи сўзлар): Филол.фан.номз. дисс. – Самарқанд, 1994. –150 б. 5

<sup>4</sup> Турдибоев Т. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 1996. –21 б.; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. дисс.автореф. – Самарқанд, 1994; – 23 б.; Исақов З. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни: Филол. фан. номз. дисс. автореф.– Фарғона: ФарДУ, 2005. –22 б.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 2008. –27 б.

<sup>5</sup> Закирова Ҳ. Р. Эргаштирувчи боғловчи воситаларнинг структур-семантик тадқиқи: филол. фан. номзоди диссер. автореферати. – Тошкент, 2011.

<sup>6</sup> Сайфуллаев А.И. Предлог ва кўмакчиларнинг номинатив-синтагматик ва типологик структуравий мақоми (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): филол. фан. бўйича фалсафа доктори дис. автореферати. – Самарқанд, 2019.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

ўзбек тилида боғловчиларнинг ўрганилиши ва ундаги муаммоларни аниқлаш, инглиз тилидаги “conjunction”нинг тадқиқига доир маълумотларни умумлаштириш;

инглиз тилидаги “conjunction” ва ўзбек тилидаги боғловчиларнинг семантик типологиясини таҳлил этиш ва лисоний қийматини аниқлаш;

ўзбек тилидаги боғловчиларнинг инглиз тилидаги матнларда берилиши, инглиз тилидаги боғловчиларнинг ўзбекча таржимада берилишини тадқиқ этиш;

инглиз ва ўзбек тилидаги боғловчилар таржимасидаги ўзаро муаммоларни аниқлаш ва муаммоларнинг ечими бўйича таклифлар бериш;

ўзбек ва инглиз тилларидаги боғловчиларнинг прагматик хусусиятларини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилидаги боғловчиларнинг изоҳли луғатларда берилишини ўрганиш, ўзбек-инглиз, инглиз-ўзбек таржима луғатларида боғловчиларнинг лексикографик талқини бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида ўзбек ва инглиз тилларидаги боғловчилар танланган.

**Тадқиқот предмети**ни боғловчилар семантикаси, ўзаро таржимаси, прагматик хусусиятлари ва лексикографик талқини ташкил этади.

**Тадқиқ методлари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз тилида шаклий жиҳатдан бир хил ифодаланувчи сўзлар грамматик жиҳатдан предлог, боғловчи ҳамда равиш бўлиб келиши, ўзбек тилида эса вазифадош боғловчи юклама, модал сўз, равиш туркуми бўлиб келиши далилланган;

инглиз тилида эргаштирувчи боғловчилар тенг боғловчига нисбатан кўпроқ миқдорни ташкил этиши, ўзбек тилида инглиз тилидаги “conjunction”дан фарқли равишда эргаштирувчи боғловчилар аниқлов, сабаб, шарт, чоғиштирув, шарт ва тўсиқсизлик боғловчиларга бўлиниши далилланган;

ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар прагматик хусусият касб этиши, контекст талаби ва сўзловчи мақсадига кўра гап мазмунига эҳтимоллик, таъкидлаш, вазиятдан норозилик, тахмин, эҳтимол каби маъноларни юзага чиқариши, боғловчиларда транспозиция, сўзловчи мақсадини ифодалаш, нуқт вазиятига қараб презуппозиция ҳосил қилиш имкониятлари очиб берилган;

таржима матнида трансформация боғловчининг қўлланишига ҳам кучли таъсир қилиши, боғловчи матнда тушириб қолдирилиши ёки грамматик жиҳатдан мос бўлмаган боғловчи билан таржима қилиниши далилланиб, таржимадаги трансформация асосан инглиз тилидаги содда гапларнинг ўзбек

тилига қўшма гап, ўзбек тилидаги қўшма гапларнинг инглиз тилига содда гап тарзида ифодаланишидан келиб чиқиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртларида умумий, қиёсий инглиз ва ўзбек тилшунослиги, когнитив тилшунослик, шунингдек, таржимашунослик бўйича дарсликлар яратиш ҳамда маъруза ва амалий машғулотларнинг мукаммаллашувига хизмат қиладиган материаллар йиғилган;

ўзбек-инглиз, инглиз-ўзбек тилларига таржима жараёнида боғловчиларга вазифадошлар тавсифланган ва луғатларда берилиши бўйича тавсиялар берилган;

инглиз ва ўзбек тилларида боғловчилар қўлланишининг ситуатив актуализацияси даражаси ўртасидаги фарқлар тизимга солинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўрганилган материалларнинг ўзбек ва инглиз тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, ўзбек ва инглиз тили чоғиштирма тадқиқотларнинг амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг инглиз-ўзбек қиёсий муаммоларини тадқиқ қилиш, такомиллаштириш, лексикографик муаммоларни ечишда илмий аҳамият касб этади. Тадқиқот инглиз/ўзбек тилларида боғловчиларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари, ўзаро таржимасидаги муаммоларнинг аниқланганлиги ҳамда лексикографик талқини бўйича таклифлар, тадқиқот натижаларидан инглиз ва ўзбек тилидаги боғловчиларнинг лингвотипологик аспектда ўрганувчилар учун муҳим маълумотлар бериши, келгуси тадқиқотлар учун илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, натижалардан инглиз тили грамматикаси, қиёсий типология, таржима назарияси ва амалиёти бўйича назарий, амалий ўқув-услубий қўлланмалар яратиш, ўзбек/инглиз тиллари бакалаврият таълим йўналиши, Лингвистика мутахассислиги бўйича магистратура учун “Когнитив тилшунослик”, “Бадиий асар тили”, “Лингвокультурология”, “Лексикология”, “Стилистика” ўқув курслари бўйича маъруза матнлари, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар тузишда, ўқув-методик мажмуалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар семантикаси, ўзаро таржимаси ва лексикографик талқини тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инглиз тилида эргаштирувчи боғловчилар тенг боғловчига нисбатан кўпроқ микдорни ташкил этиши, ўзбек тилида инглиз тилидаги “conjunction”дан фарқларига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» (2012-2016) мавзусидаги

фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 17 сентябрдаги 17.01.227-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек, инглиз ва қардош тилларда боғловчиларнинг ўрганилишидаги муаммолар аниқланиб, уларни тадқиқ этишга оид назарий ва амалий ечим усуллари ишлаб чиқилган;

ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар прагматик хусусият касб этиши, контекст талаби ва сўзловчи мақсадига кўра гап мазмунига эҳтимоллик, таъкидлаш, вазиятдан норозилик, тахмин, эҳтимол каби маъноларни юзага чиқариши, боғловчиларда транспозиция, сўзловчи мақсадни ифодалаш имкониятларига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзусидаги амалий-илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 16 августдаги 17.01.183-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек, инглиз ва қардош тилларда боғловчиларнинг ўрганилишидаги муаммолар аниқланган, хусусан, нақл-мақоллар таркибидаги боғловчиларнинг семантик типологияси таҳлил этилган, ўзбек тилидаги боғловчиларнинг инглиз ва қардош тиллардаги матнларда нақл-мақолларнинг берилиши, инглиз тилидаги боғловчиларнинг ўзбекча таржимада берилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар семантикаси, ўзаро таржимаси ва лексикографик талқини бўйича олиб борилган тадқиқотнинг натижалари ва материалларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДМ «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Таълим ва тараккиёт», «Адабий жараён» номли радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат муассасасининг 2022 йил 6 январдаги 04-36-09-сон маълумотномаси). Натижада, боғловчилар инглиз ва ўзбек тилларида боғловчининг нутқда қўлланилишига ва таржимада берилишига кўра ўзига хос ва умумий жиҳатлари, инглиз ва ўзбек тилларида боғловчиларнинг луғатларда изоҳланганлиги, муқобиллари берилганлиги, бадий ва синхрон таржима жараёнида муқобил вариантларини топишда қай даражада қўл келиши ҳақида маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 3 та республика анжуманида муҳокамадан ўтказилган ҳамда қуйидаги профилларда ҳаволага эришилган:

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш нашр этирилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, улардан 5 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 138 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби **“Ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар семантикаси”** деб номланган ва қуйидаги қисмлардан иборат: **“Ўзбек тилида боғловчиларнинг ўрганилиши ва ундаги муаммолар”**, **“Инглиз тилидаги “conjunction”нинг тадқиқига доир”**, **“Инглиз тилидаги “conjunction” ва ўзбек тилидаги боғловчиларнинг семантик типологияси ва лисоний қиймати”**.

Жаҳон тилшунослигида ёрдамчи сўзлар, уларнинг хусусияти мутахассисларни эътиборсиз қолдирмаган. Диссертацияда ушбу ишларнинг катта қисми таҳлилга тортилган.

Ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатлари бошқа типологик табиатга эга тиллар билан қиёсда янада яққол намоён бўлишини назарда тутиш лозим.

Дунёда семантик жиҳатдан бир-бирига тўла мос келувчи тилнинг ўзи йўқ. Лекин қисман бўлса ҳам семантик жиҳатдан мос келувчи тиллар мавжуд. Тиллар семантикасининг айрим жиҳатлари бир-бирига ўхшамаслигининг сабаби – халқларнинг маданияти, урф-одатлари, илмий-техникавий жараёни, яшаш шароитлари турлича эканлиги билан изоҳланади. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги эса мазкур тилларни таржима қилиш ҳамда қиёслаб ўрганишга имконият беради<sup>7</sup>.

Маълумки, тилнинг асосий ижтимоий вазифаси – алоқа қилиш, хабар бериш ва таъсир этиш. Бу вазифалар эса лисоний, нолисоний воситалар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади. Тилнинг оғзаки/ёзма шаклида воқеланадиган лисоний бирлик ана шу вазифаларнинг амалга ошишига хизмат қилади<sup>8</sup>. Дунёдаги ҳар бир тил, қайси тил оиласига мансублигидан қатъи назар, ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятга эга. Бу жиҳат лисоний сатҳнинг барча воситаларига бирдай тааллуқли.

Жаҳон тилшунослигида ёрдамчи сўзлар, хусусан, боғловчилар А.А.Шахматов, Л.С.Бархударов, Д.А.Штелинг, Л.В.Щерба, А.И.Смирницкий,

<sup>7</sup> Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, 2007. – С. 90-100.

<sup>8</sup> Сайфуллаев А.И. Предлог ва кўмакчиларнинг номинатив-синтагматик ва типологик структуравий мақоми (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): филол. фан. бўйича фалсафа доктори дис. автореферати. – Самарқанд, 2019.

И.П.Иванова, В.В.Бурлакова, Г.Г.Почепцов, Ф.М.Березин, Б.Н.Головин томонидан атрофлича тавсифланган<sup>9</sup>.

Инглиз тили ёрдамчи сўзлар туркуми қатор тадқиқотлар предмети бўлган. Инглиз тилида предлогларини ўрганиш масаласи ўтган асрнинг 60-70 йилларидан буён тилшунослар диққатини ўзига тортиб келмоқда. Инглиз тилида боғловчи, унинг ўзига хос хусусияти, қўлланиши, турлари, вазифадошлари монография, дарслик, ўқув қўлланмаларда атрофлича тавсифланган. Диссертацияда дарслик ва қўлланмаларда боғловчига берилган таърифлар бир-бир кўриб чиқилган. Инглиз тилида гапни мантиқан тўғри тузиш, фикрни аниқ ифодалаш учун боғловчининг турини билиш, уни ўринли қўллай олиш муҳим. Жаҳон тилшунослигида типология асослари, тилларнинг морфологик типологияси муаммосининг назарий асослари тадқиқи учун катта ҳажмдаги материал мавжуд. Ушбу маълумотларни қиёслаш асосида инглиз ва ўзбек тилида боғловчиларнинг структур жиҳатдан типологияси хусусида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

биринчидан, инглиз тилида содда, ясама, қўшма, мураккаб боғловчилар фарқланса, ўзбек тилида боғловчилар структур жиҳатдан якка ва такрорий турга ажратилади;

иккинчидан, инглиз тилидаги содда боғловчи ўзбек тилидаги якка боғловчига тўғри келади;

учинчидан, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, инглиз тилида боғловчи туркумига мансуб сўзда ҳам ясаиш хусусияти мавжуд. Бундай боғловчи таркибида сўз ясовчи қўшимча ёки икки асос мавжуд бўлади;

тўртинчидан, инглиз тилидаги мураккаб боғловчилар таркиби икки боғловчидан иборат бўлса-да, улар такрорланадиган сўзлар эмас. Ўзбек тилидаги такрорий боғловчилар ўз номи билан такрорланувчи боғловчи.

Ўзбек ва инглиз тилларида боғловчининг вазифасига кўра тури, улардаги фарқли ва умумий жиҳатлар ҳақида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, тенг боғловчилар гуруҳи инглиз тилида тўрт, ўзбек тилида учтани ташкил этади. Шундай бўлса-да, ушбу боғловчиларнинг мазмуни ўхшаш: инглиз тилида ажратиб кўрсатилган натижани ифодаловчи боғловчи ўзбек тилида бириктирув боғловчиси вазифасига киради. Чунки ўзбек тилида ва боғловчиси, иш-ҳаракатнинг бир пайтда бажарилганлиги ҳамда натижасини билдиради.

Иккинчидан, эргаштирувчи боғловчилар гуруҳи ҳам ўзбек тилига нисбатан кўп. Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсизлик боғловчиси бир гуруҳга киритилса, инглиз тилида бу боғловчилар алоҳида гуруҳга мансуб деб қаралади. Аммо таржимада бу боғловчилар ўзаро эквивалент бўла олади.

<sup>9</sup> Шахматов А.А. Учение о частях речи. – Москва: Учпедгиз, 1952. – 270 с.; Бархударов, Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. – Москва: Высшая школа, 1973. – 423 с.; Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Изд. 2-е, стереотипное. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. – 432 с.; Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. – М.: Просвещение, 1979. – С. 182.; Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – С. 88.; Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – М.: Изд. Литературы на иностранных языках. 1959. – 440 с.

Учинчидан, инглиз тилида эргаштирувчи боғловчи қаторида пайт боғловчиси алоҳида ўринни эгалласа, ўзбек тилида бундай гуруҳ ажратилмайди. Уларнинг таржимада эквивалентлиги масаласи кейинги бобларда махсус тадқиқни талаб этади.

Тўртинчидан, инглиз тилида алоҳида ажратилган натижани ифодаловчи боғловчилар гуруҳи ўзбек тилида ажратилмайди, бош гапда ифодаланган натижа мазмунини билдирувчи эргаш гап *натижада* сўзи билан боғланади. Ушбу турдаги боғловчининг инглиз-ўзбек тилларда ўзаро таржимада берилиши, ўзбек тилида қайси воситалар ушбу мазмунни ифодалашни хусусида кейинги бобда тўхталамиз.

Ишнинг иккинчи боби **“Ўзбек ва инглиз тилларида боғловчиларнинг ўзаро таржимаси ҳамда ундаги муаммолар”** таҳлилига бағишланган бўлиб қуйидаги қисмлардан иборат: **“Ўзбек тилидаги боғловчиларнинг инглиз тилидаги матнларда берилиши”, “Инглиз тилидаги боғловчиларнинг ўзбекча таржимада берилиши”, “Боғловчилар таржимасидаги ўзаро муаммолар”, “Ўзбек-инглиз тилида боғловчиларнинг прагматик хусусиятлари ҳамда уларнинг таржимада ифодаланиши муаммолари”**.

Инглиз ва ўзбек тилидаги боғловчиларнинг семантикаси, ўзаро таржимаси, прагматик хусусиятлари махсус ўрганилмаган. Муаммонинг долзарблигидан келиб чиқиб, ўзбек тилида боғловчининг инглиз тилидаги матнда берилишини кузатиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш учун “Улоқда”<sup>10</sup> (Абдулла Қодирий), “Ўзбекнинг характери”<sup>11</sup> (Шукур Холмирзаев), “Жажман”<sup>12</sup> (Хуршид Дўстмуҳаммад), “Зиё ва Гул”<sup>13</sup> (Муҳаммад Зиё) ҳикоялари, “Болалик”<sup>14</sup> (Ойбек), “Дунёнинг ишлари”<sup>15</sup> (Ўткир Ҳошимов), “Ойдинда юрган одамлар”<sup>16</sup> (Тоғай Мурод) қиссалари ва уларнинг инглиз тилига таржимаси<sup>17</sup> матнларини тадқиқ объекти сифатида танладик. Қуйида ушбу асарлардаги боғловчиларнинг инглиз тилига таржимаси, инглиз ва ўзбек тилида боғловчиларнинг ишлатилиши, ўзбекча матндаги боғловчини инглиз тилига таржима қилишдаги муаммолар хусусида баҳс юритамиз.

<sup>10</sup> Қодирий А. Улоқда. Ҳикоя. <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/abdulla-qodiriy/abdulla-qodiriy-uloqda-hikoya/>

<sup>11</sup> Холмирзаев Ш. Ўзбек характери (ҳикоя) // <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/shukur-xolmirzayev/shukur-xolmirzayev-uzbek-xarakter-hikoya/>

<sup>12</sup> Дўстмуҳаммад Х. Жажман (ҳикоя) // <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/xurshid-dostmuhammad/xurshid-dostmuhammad-jajman-hikoya/>

<sup>13</sup> Муҳаммад Зиё. Гул ва Зиё (ҳикоя) // <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/muhammad-ziyo/muhammad-ziyo-gul-va-ziyo-hikoya/>

<sup>14</sup> Ойбек. Болалик (хотира-қисса) // <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/oybek/oybek-bolalik-xotira-qissa/>

<sup>15</sup> Ҳошимов Ўткир. Дунёнинг ишлари // <https://www.twirpx.com/file/400610/>

<sup>16</sup> Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар (қисса) // <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/togay-murod/to-aj-murod-oidinda-yurgan-odamlar-is/>

<sup>17</sup> Abdulla Kodiriy. At the Ulok (story) Translated from Uzbek by Shukhrat Sattorov // <https://www.ziyouz.uz/en/prose/138-abdulla-kodiriy-at-the-ulok-story>; Khurshid Dostmuhammad. Jajman (story) (Translated from Uzbek by Shukhrat Sattorov) // <https://www.ziyouz.uz/en/prose/206-khurshid-dostmuhammad-jajman-story>; Oybek. Childhood (memoir) // <https://www.ziyouz.uz/en/prose/113-oybek-childhood-memoir>; Shukur Kholmiraev. The character of the Uzbeks (story) (Translated by Shukhrat Sattorov) // <https://www.ziyouz.uz/en/prose/140-shukur-kholmiraev-the-character-of-the-uzbeks-story>; Toghay Murod. People by Moonlight (story) (Translated by Azam Abidov) // <https://www.ziyouz.uz/en/prose/107-toghay-murod-people-by-moonlight-story>; Muhammad Ziyov. Gul and Ziyov (story). Translated by Shukhrat Sattorov // <https://www.ziyouz.uz/en/prose/104-muhammad-ziyo-gul-and-ziyo-story>

### **Ўзбек тилидаги тенг боғловчиларнинг инглиз тилига таржимаси.**

Олдин айтилганидек, ўзбек тилидаги тенг боғловчилар бириктирув, зидлов, айирув, айирув-инкор боғловчисига ажратилади. Ўзбек тилидаги бириктирув боғловчилари *ва, ҳамда, билан* инглиз тилига, одатда, *and* сўзи орқали таржима қилинади. Кузатувларимиз шуни кўрсатадики, ушбу боғловчининг кўлланиши умумий ҳолатда қуйидаги кўринишда бўлади.

1. Гап таркибида келиб, уюшиқ бўлақларни боғлайди: *1. My classmates and I were sent to pick cotton when we were third year university students. 2. For three years he had carried tomatoes and onions to Siberia to sell. (Sh.Kholmirzaev. The character of the Uzbeks).*

2. Ўзбек тилидаги тенг боғланган қўшма гапни айнаи конструкция кўринишида боғлайди: *1. There were reeds everywhere, and the land was full of fingered plant. 2. The houses had clay plaster roofs and the walls were made of rammed earth. 3. The teachers made an agreement and we turned and got out. (Sh.Kholmirzaev. The character of the Uzbeks)*

3. Ўзбек тилидаги қўшма гапни боғлаган бириктирув боғловчиси инглиз тилидаги матнда икки содда гап шаклида берилади ҳамда бириктирув боғловчиси иккинчи гапнинг бошида келади: *We had come to the university right after finishing tenth grade when our knowledge was still fresh. And as you know, I'm an active reader of the public library. If you listened to his train journey adventures you would be astonished. And they were prudent and thrifty guys! (Sh.Kholmirzaev. The character of the Uzbeks)*

4. Ўзбек тилидаги *аммо, лекин, бироқ* зидлов боғловчилари инглиз тилига таржимада *but* сўзи билан берилади. Кўп ҳолларда ўзбек тилидаги қўшма гап инглиз тилига икки содда гап тарзида таржима қилинади: *but* боғловчиси иккинчи гапнинг бошида келади. *It has a belly like a thimble. But it is not good to steal money from our sack!" 2. The beast took a bundle of money and jumped like a child that took candy from his grandfather. But it was running so noiseless as a cockroach. (Khurshid Dostmuhammad. Jajman)*

Айрим ҳолларда ўзбек тилидаги конструкция айнан сақланади: *"I think it is not only the sign of sinister event, but also the seed of ill fate!" one of the men supported him. (Khurshid Dostmuhammad. Jajman)*

Ўзбек тилида зидлов боғловчиси *-у/-ю* юкламалари билан ифодаланганда ҳам инглиз тилига *but* ёрдамчи сўзи воситасида таржима қилинади: *Озриқни сезмайман-у нафас олишга қийналаман // I couldn't feel the pain but could not breathe either.*

Ўзбек тилидаги *ё, ёки, ёхуд* айирув боғловчилари якка ҳолда ишлатилганда таржимада *or* боғловчиси билан берилади.

Уюшиқ бўлақни боғлайди: *1. In short, behind this fingered place there was a little village. About twenty or thirty families lived there. 2. The house was plastered with straw. There were no doors or windows. It was damp. 3. Those days nobody in my village ever talked about chemicals or polluted water. 4. Of course, there were one or two green, wrinkled fruits, but if you broke and ate it would crack your tongue. 5. I felt anxious for some reason or other. (Sh.Kholmirzaev. The character of the Uzbeks)*

Қўшма гапни боғлайди:

1) ўзбек тилидаги конструкция шаклида: 1. At least it seems that way to me. **Or** maybe there are other reasons which our minds can't understand. 2. This young brother did not taste anything. **Or** does he treat us as mud, set us on his feet? (*Sh.Kholmiraev. The character of the Uzbeks*) *Women hanging dastarkhan (food or present muffled in tablecloth) on their heads or shoulders appeared on the threshold. They brought ten plates from the bride's house. (Toghay Murod. People by moonlight)*

2) ўзгарган конструкция кўринишида: 1. Maybe it was because of my illness **or** because of my capricious attitude. 2. By that time our friends – brother Ormonjon, brother Azimjon, Mirzagolib and their companions, had gotten accustomed to going to the shepherd's house when it was cold **or** when our tea was not ready in time. (*Sh.Kholmiraev. The character of the Uzbeks*)

Ё, ёки боғловчилари ё...ё, ёки...ёки тарзида жуфт ҳолда қўлланилганда инглиз тилида *either ... or* боғловчиси билан ифодаланади: *And we say that this boy is either in blank despair or is thinking of something complicated. (Toghay Murod. People by moonlight). And we say that this boy is either in blank despair or is thinking of something complicated. If he sees at least one evil doing we make, he will leave us forever. (Abdulla Kodiriy. At the Ulok) The few passersby would certainly place their hands on their chests and say "Assalom." Either one or both of the old men would answer: "Vaalaykum..." (Oybek. Childhood)*

Ўзбек тилидаги *на...на* айирув-инкор юкламаси инглиз тилида *neither (not)... nor* боғловчиси билан ифодаланади: *He will try not to greet with us. He tells neither others nor us about our tricks. (Abdulla Kodiriy. At the Ulok) The life was continuing so. I have enjoyment neither in eating nor sleeping. When I was late for a lesson the first time you expressed your feelings openly. (Muhammad Ziyov. Gul and Ziyov)*

**Ўзбек тилидаги эргаштирувчи боғловчиларнинг инглиз тилига таржимаси.** М.Абдуллаева тўғри таъкидлаганидек, чет тилидаги матнни тушуниш ва тўғри таржима қилишда гапларни грамматик таҳлил қилишда аҳамиятли. Инглиз тилидан ўзбек тилига тўғри, тез таржима қилиш учун инглиз тили грамматикасини билиш, маълум миқдорда сўз бойлигига эга бўлиш етарли эмас. Гапни таржима қилишда луғат орқали топилган сўзни тартиб билан жойлаштириш орқали таржима қилиш яхши натижа беравермайди. Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир тилда сўзнинг бир-бири билан боғланиши, биргаликда қўлланилиши шу тилнинг ўзига хос қонун-қоидаларига асосланади. Шу сабабли бошқа тилдаги матнни тушуниш, таржима қилишда ушбу тилда сўзларнинг гапда жойлашиш тартиби, қоидаларини билиш муҳим ўрин касб этади; сўз бойлиги, грамматика қоидаларини билишдан ҳам муҳимроқ ўрин эгаллайди<sup>18</sup>. Шу сабабли ўзбек ва инглиз тилларидаги таржимада эргаштирувчи боғловчиларнинг қўлланишини ўрганиш таржима амалиёти учун муҳим.

<sup>18</sup> Абдуллаева М. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима жараёни ва унинг моҳияти хусусида // International journal of discourse on innovation, integration and education. Volume: 02 Issue: 02 | February 2021 ISSN: 2181-1067. – P. 297-306.

Ўзбек тилидаги эргаштирувчи боғловчилар аниқлов, сабаб, шарт, чоғиштирув каби турлари фарқланади.

Ўзбек тилидаги аниқлов боғловчиси *яъни, -ки, -ким* инглиз тилидаги матнларда, асосан, *that, as*, баъзан *so that* боғловчиси билан ифодаланади: 1. *I should say **that** as far as literacy goes we weren't behind them.* 2. *Our Azimjon, the Komsomol organizer, always read Remark and Hemingway and used to say **that** our own writers were liars. But I disagreed with him!*

Ўзбек сабаб боғловчилари инглиз тилида *as* сўзи билан ҳам ифодаланади: 1. *His mother closed her mouth with the edge of her kerchief. **As if** she was going to weep.* 2. *He stares at water **as if** he sees it first time. He nods in his own way.*

Ўзбек тилидаги *агар, агарда, башарти, агарчи* каби шарт боғловчилари *if, unless, provided (that), providing (that), supposing (that), once* боғловчилари билан ифодаланади: 1. ***If** we say she has white face, we curtail our rights. **If** we say she is blackish, we curtail the girl's rights. She was brownish!* 2. – *I thought it was your everlasting dream, – she said. – Look at me, **if** not today, tomorrow you'll certainly become bride: The younger nephew extended his small hands. Again he began to suck.*

*Unless, provided (that), providing (that), supposing (that), once* каби боғловчи воситалар тадқиқ манбаи сифатида белгиланган асарларда учрамади. Инглиз тили корпусларидан ушбу боғловчиларнинг қўлланишини кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бу бирликларнинг қўлланиш частотали юқори эмас, шу сабабли таржима матнларида кам учрайди.

Ўзбек тилидаги *гўё, гўёки* чоғиштирув боғловчилари *as, as if, as though, the way, than, as ... as, not so ... as, so... as* боғловчилари билан ифодаланади.

1. *We give him water to wash his hands. He stares at water **as if** he sees it first time.* 2. ***As if** she tried to beautify herself: she covered her Iraqi kerchief that was on her shoulder.*

**Ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинган матнларда якка ва такрорий боғловчиларнинг берилиши.** Юқорида, асосан, якка ҳолда қўлланивчи боғловчиларнинг қўлланиши ҳақида баҳс юритдик. Қуйида якка ва такрорий шаклда қўлланишнинг ўзаро таржимада берилишини махсус таҳлил қиламиз. Ишнинг олдинги қисмида айтилганидек, *ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, балки, ҳолбуки, ваҳоланки, ёки, ёхуд, ё, гар, агар, агарда, башарти, чунки, гарчи, гўё, гўёки, -ки, -ким* боғловчилари якка ҳолда қўлланади. Уларнинг инглиз тилига таржимасини контекстда кузатдик. Шунинг учун бу ўринда ўзбек тилида такрор қўлланивчи боғловчиларнинг инглиз тилида берилишини қиёслашни маъқул топдик.

Ўзбек тилида *дам-дам, баъзан-баъзан, ҳам-ҳам, бир-бир, ёки-ёки, ё-ё, гоҳ-гоҳ, хоҳ-хоҳ* каби боғловчилар такрор қўлланади; уларнинг бир нечтаси якка ҳолда қўлланганда боғловчи вазифасини бажармайди.

**Дам** бобомнинг, **дам** ўртоғининг *гаврондай* узун ҳассасини «от» қилиб минаман, *тупроқда* ҳассалар чизган изга қизиқиб қарайман // *I took my grandfather's cane or sometimes his friend's walking stick and rode it as a horse, glancing with curiosity at the lines the cane traced in the dirt.* Ўзбек тилидаги

контекстда берилган *дам ...дам* боғловчиси инглизча матнда тушириб қолинган, мазмун эса *or* айирув боғловчиси билан ифодаланган.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, таржима матнида трансформация боғловчининг қўлланишига ҳам кучли таъсир қилади. Боғловчи матнда тушириб қолдирилиши ёки грамматик жиҳатдан мос бўлмаган боғловчи билан таржима қилиниши ҳолатлари кўп учрайди.

Таржиманинг асосий муаммоси таржимон олдига матни тўлиқ тушуниш ва пухта идрок этиш талаби қўйилишидан иборат. Бундай талаб бўлмаганда таржима, асосан, механик равишда муайян тилга мансуб сўзни бошқа тилда қўлланиладиган сўз билан алмаштириш бўлиб, бу иш компьютер томонидан аллақачон бажарилган бўларди.

**Инглиз тилидаги тенг боғловчиларнинг ўзбек тилига таржимаси масалалари.** Ишнинг олдинги қисмларида айтилганидек, инглиз тилидаги тенг боғловчилар сирасига *and, but, or, nor, for, so, yet, and/or for, either...or, neither...nor, both...and, as well as, not only...but also* каби бирликлар киради<sup>19</sup>. Боғловчиларнинг инглиз тилида ўзбек тилига таржимасини тадқиқ этиш учун тадқиқ объекти сифатида Эрнест Хемингуейнинг “A Day’s Wait” (“Даҳшатли кутиш” Ў.Равшанов таржимаси), “The Old Man at the Bridge” (“Кўприкдаги чол” Ў.Равшанов таржимаси) ҳикоялари; замонавий ижодкорлардан Элис Манронинг “Face” (“Юз” Аҳмад Отабоев таржимаси) ҳикоялари<sup>20</sup> ва уларнинг таржимаси танланди.

Диссертацияда инглиз тилидаги боғловчиларнинг прагматикаси ҳамда уларнинг таржимасидаги муаммоларга тўхталинган.

*“You must forgive us”, said I at last. “We did not see you were in the car. Else we should not have behaved so absurdly just now”. The girl looked at me. “But why not?” she replied calmly, in a surprisingly deep voice. “There was nothing at all bad about it”*<sup>21</sup>. (“Сиз бизни кечирингиз керак”, дедим ниҳоят. “Биз сизнинг машинада бўлганингизни кўрмадик. Акс ҳолда, биз ҳозир бемаънилиқ қилмаслигимиз керак эди”. Қиз менга қаради. “Нега энди йўқ?” – хотиржам жавоб берди у ҳайратланарли даражада наст овозда: “Бу ерда ҳеч қандай ёмон нарса йўқ эди”).

Инглиз тилида “Why not” бирикмаси “нега шундай бўлмасин” деган эътироз маъносини билдиради. Юқоридаги контекстда *but* боғловчиси содда гапни боғлаш вазифасини бажармаяпти, балки *Why not* иборасининг маъносини кучайтиришга хизмат қиляпти.

*To Frau Zalewski the graveyard was a great asset. When letting a room she would comment on the excellence of the air and the openness of the outlook, and*

<sup>19</sup> Rustamov M.A., Asriyans M.I. Ingliz tili grammatikasi: O‘quv qo‘llanma.– T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2006. – 111 b. – P. 105.; <http://www.correctenglish.ru/theory/grammar/coordinating-conjunctions/>; Мильцева Н.А., Жималенко Т.М. Universal reference grammar. Универсальный справочник по грамматике английского языка. – Москва: ГЛЮССА, 2005. – 280 с. – С. 211.; Rustamov M.A., Asriyans M.I. Ingliz tili grammatikasi: O‘quv qo‘llanma.– T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2006. – 111 b. – P. 104.

<sup>20</sup> <http://intro.ru/e-hemingway-a-day-s-wait-tekst-dlya-chteniya/>; <https://www.newyorker.com/magazine/2008/09/08/face>; <https://lingualeo.com/ru/jungle/the-old-man-at-the-bridge-a-short-story-by-ernest-hemingway-351686>

<sup>21</sup> Erich Maria Remarque. Three comrades. – P.21.// <http://adebiportal.kz/upload/iblock/cd2/cd26f70c06904ccb8e27f2c1f587b84b.pdf>

*proceed to charge a higher rent in consequence. "But, sir, think of the situation!" was her invariable formula*<sup>22</sup>. (Фрау Залевский учун қабристон катта имконият эди. Хонани ижарага берганда, у ҳавонинг ажойиблиги ва дунёқарагининг очиқлиги ҳақида изоҳ берар ва натижада ижара ҳақини оширишни давом эттирарди. "Аммо, жаноб, вазиятни ўйлаб кўринг!" унинг ўзгармас формуласи эди.)

Мисолдан кўриниб турганидек, инглиз тилидаги *but* боғловчиси ўзбек тилидаги *аммо* боғловчиси каби кириш сўз сифатида қўлланяпти; сўзловчининг фикрини таъкидлаш, бошқа фикрдаш чегаралаб, айти фикрни маъқуллашга даъват маъноси юзага чиқяпти.

Ушбу бўлимдаги кузатув, таҳлиллар асосида **хулоса қилиш мумкинки**, ўзбек ва инглиз тилларидаги боғловчилар ёрдамчи сўзлар орасида прагматик хусусият ифодаланиши билан ажралиб туради. Ҳар иккала тилдаги боғловчиларда транспозиция, сўзловчи мақсадини ифодалаш, нуқт вазиятига қараб презуппозиция ҳосил қилиш имкониятлари мавжуд. Ўзбек тилида прагматик хусусиятига кўра ёрдамчи сўзларини даражаланиш юклама, боғловчи, кўмакчи кетма-кетлигида ортиб борса, инглиз тилида боғловчига нисбатан юклама ва кўмакчиларда прагматик сифат юқори.

Ишнинг учинчи боби "**Ўзбек ва инглиз тилларида боғловчиларнинг лексикографик талқини масалалари**" таҳлилига бағишланган "**Ўзбек ва инглиз тилидаги боғловчиларнинг изоҳли луғатларда берилиши: изоҳи, вазифаси, кўп маънолилиги ҳамда синонимияси**", "**Ўзбек-инглиз, инглиз-ўзбек таржима луғатларида боғловчиларнинг лексикографик талқинидаги муаммолар**".

Сўзларнинг лексикографик талқини масаласи доим тадқиқотлар диққат марказида бўлиб келган. Ишнинг ушбу фаслида ўзбек ва инглиз тилидаги боғловчиларнинг изоҳли луғатларда берилиши: изоҳи, вазифаси, кўп маънолилиги ҳамда синонимияси, бу параметрларни изоҳлаш борасидаги айрим камчиликлар, изоҳли луғатда бирликнинг тавсифлаш бўйича баъзи тавсиялар хусусида фикр юритамиз. Ўзбек тилида боғловчиларнинг изоҳланиши 2 жилдли ва 5 жилдли изоҳли луғатлар, инглиз тилида боғловчиларнинг изоҳланишини Вебстер ва Оксфорд луғатларида кузатилди.

Масалан, ўзбек тилида айирув боғловчилари *ё, ёхуд, ёки, ёинки* каби бирликлар синоним сифатида қўлланиши мумкин. Улар орасида *ё* боғловчиси кўпмаънолилиги билан ажралиб туради: у айирув боғловчиси бўлиш билан бирга зидлаш маъносини ҳам ифодалайди. *Ёхуд* боғловчиси китобий услубга хослиги, *ёинки* сўзи ёки сўзининг эскирган варианты эканлигини билдиради.

Инглиз тилида бу маънони *or* боғловчиси ифодалаб келади. Луғатда қуйидагича изоҳланади:

Or<sup>23</sup> – used as a function word to indicate an alternative: coffee *or* tea; sink *or* swim, the equivalent or substitutive character of two words or phrases: lessen *or* abate, or approximation or uncertainty in five *or* six days.

<sup>22</sup> Erich Maria Remarque. Three comrades. – P.28. // <http://adebiportal.kz/upload/iblock/cd2/cd26f70c06904ccb8e27f2c1f587b84b.pdf>

<sup>23</sup> <https://www.merriam-webster.com/dictionary/or>

**2 archaic:** EITHER

**3 archaic:** WHETHER

